

Мирзо бобурга бағишлиланган маърифий дастур

Диёр фироқи, унга талпиниш ҳисси Бобур мизонинг бедор тунларига боис бўлганини англаш мумкин. Юртнинг ноз-у неъматларини кўзга тўтиё, мисоли меҳригиё деб билган Андижондан келтирилган қовунни ея туриб кўзлари жиққа ёшга тўлган шоҳлик ва шоирлик қисматини бошидан кечирган Мирзо Бобурнинг ҳаёти ва ижодиёти қайсиdir маънода ибрат ва сабоқdir. Бу йил 538 йиллигини нишонлар эканмиз, Бобур Мизонинг қолдирган адабий меросини синчиклаб ўрганишимиз унинг руҳини шод этиш баробарида аҳамиятлиdir.



Институтимизда ўтказилган маънавий-маърифий тадбир худди шу санага бағишлианди. Тадбир олдидан "Қишлоқ ва сув хўжалиги электр таъминоти" факультетининг профессор ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирокида "Адиблар хиёбони"да ўтказилган маърифий кечанинг видеоролики намойиш этилди. Президент стипендиати 2-курс талабаси Дилмурод Акбаровнинг Бобур ғазалидан ва ўзи ёзган улуғ шоирга бағишив шеърининг ўқиб бериши айрича завқ бахш этди. Сўнгра ЎзДСМИ талаба ва ўқитувчиларидан таркиб топган "Сайқал" ижодий дастаси хонандаларининг чиқишилари намойиш этилди.



Бобур сиймосини телесериалда гавдалантирган Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузовнинг чиқиши даврага файз бахш этди. У Бобурнинг изтиробу кечинмалари акс этган монолог орқали шоҳ ва шоирнинг ҳаётига оид маълумотларни таъсирчан етказа олди. Тадбирда факультет талаба ёшлари ижросида қўшиқ ва рақслар ҳам ҳаммага бирдек маъқул келди.



Маънавий тадбирнинг жозибали тарзда ўтиши факультет декани ва ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринbosари ҳамда бошқа мутасаддиларнинг ташаббускорлиги, ташкилотчилигининг самараси десак ўринли бўлади.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати